O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 11-dekabr • Payhanba • 146 (27.951) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз учун, бизнинг келажагимиз учун амалга оширилаётган ишларимизнинг яна бир намоёни бўлди».

✓ Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Халқ таълими вазирлигига қарашли Тошкентдаги Ижтимоий йўналишга ихтисослашган мактабда умуммиллий дарсларда қатнашди.

УМУММИЛЛИЙ ДАРСЛАР

эркин мулоқот тарзида ўтди

Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича давлат, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фармонда декларация қабул қилинган 10 декабрь куни мамлакатимиз таълим муассасаларида бу ҳужжат юзасидан умуммиллий дарс ўтилиши белгиланган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Ижтимоий йўналишга ихтисослаштирилган мактабда бўлиб, умуммиллий дарсларда қатнашдилар. Машғулотлар эркин мулоқот тарзида бўлди. Унда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш касб этиши, бу борада яхлит ҳуқуқий тизим яратилганлиги, бунда Конституциямиз муҳим замин эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Ҳар бир жамият ўзига хос ривожланиш йўлига эга, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов. — Юртимизда инсон ҳуқуқлари қонуний асосда ҳимоя қилинмоқда. Парламент қабул қилган 400 дан ортиқ қонун, 60 дан ортиқ халқаро ҳужжат шу мақсадга қаратилган. Улар бизнинг илм олишимиз, эркин фаолият юритишимиз, меҳнат қилишимизни кафолатлайди. Бугунги машғулотдан мақсад сиз ўқувчиларни ана шу ҳужжатлар билан яқиндан таништиришдир.

— Бола ҳуқуқларининг таъминланиши инсон ҳуқуқлари масаласининг жуда муҳим таркибий қисмидир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Муҳаббат Абдуллаева. — Сизнинг таълим олиш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа ҳуқуқларингиз қонун билан мустаҳкамланган. Шу йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. У бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида ташланган муҳим қадам бўлди. Бундан ташқари, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги Конвенция ва «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилинди. Буларнинг барчаси сиз, болажонларнинг эмин-эркин ўсиб, ота-онангиз орзу қилган фарзанд бўлиб етишишингизга хизмат қилади.

— Ўқувчиларимизга ўз ҳуқуқларини, улардан онгли фойдаланишни ўргатишга ҳар биримиз масъулмиз, — дейди мактаб директори Муҳтабар Мараимова. — Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг қонунларни чуқур билиши, ҳуқуқ ва бурчни англашига ёрдам беради. Депутатлар билан бевосита жонли мулоқот эса уларни ҳаётга жиддий қарашга ўргатади.

— Учрашув бизда катта таассурот қолдирди, — деди 9-синф ўқувчиси Дамир Қўлдошев. — Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши кураш бўйича қабул қилинган қонунларни амалда қўллаш жараёнлари ҳақида керакли маълумотларга эга бўлдик.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
«Ўзбекистон овози» муҳбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

САМАРҚАНДДА ОЛТМИШ ТЎРТТА ЁШ ОИЛАГА УЙ БЕРИЛДИ

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган савобли ишлар қаторида шаҳарнинг Ибн Сино кўчасида иккита кўп қаватли замонавий уй қуриб битказилди. Ушбу уйларни топширишга бағишланган тантанада сўзга чиққанлар, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётганини мамнуният билан таъкидлашди.

— Мен Самарқанд давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейида ўқитувчиман, битта фарзандим бор, — дейди ЎзХДП аъзоси Зокир Умрзоқов. — Икки йилдан буён уй-жой олиш орзусида эдим. Мана шу қутлуғ йилда икки хонали уй беришди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ.

— Мен ички ишлар бўлимида хизмат қиламан, — дейди Абдулло Набиев. — Ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли 3 хонали уй олдик. Қаранг, хоналари кенг, ёруғ. Иссиқлик тизими ишлаб турибди. Иссиқ, совуқ сув бор.

Бу уйлар ёш оилаларга «Ипотека» банкининг вилоят бўлими томонидан имтиёзли кредит асосида берилди. Самарқандда ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давом этади. 2009 йилда ҳам улар учун яна иккита кўп қаватли уй қуриш режалаштирилган.



Абдували ХУДОЁРОВ
Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

90 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Бухоро вилоятидаги пахтани қайта ишлайдиган корхоналар тола тойларини ўраш учун материалларни энди четдан олишмайди. Вилоят «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси ташаббуси билан Вобкентдаги собиқ пахта тозалаш заводининг бўш ётган ёрдамчи бинолари реконструкция қилиниб, ўров материаллари ишлаб чиқариладиган цехга айлантирилди.

Мазкур «Пахтасаноаттўқимачи» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлаши билан тўқсонга яқин вобкентлик ёшлар иш билан таъминланди. Ушбу жамиятнинг бизнес режасига кўра, корхона кенгайтирилса, яна 40 та янги иш ўрни яратилади.

Даврон БАҲРОНОВ

ОРАСТАЛИК ТАНЛОВИ

Қорақалпоғистондаги тиббиёт коллежлари ўқувчилар уйлари ўртасида тозалик, санитария-гигиена талабларининг қандай бажарилаётганлиги ва ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини мазмунли ташкил этилиши бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Унда Нукус шаҳридаги 3-сон тиббиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилар уйи биринчи ўринга муносиб кўрилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Муқаддас ва қувончли Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Биз жаҳонда эркинлик ва тинчлик барқарорлиги йўлидаги муштарак саъй-ҳаракатларимизни ушбу муборак байрам руҳида давом эттира олишимизга умид билдираман.

Келаётган йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанада мамлакатимиз Президенти таклифи билан кириб келаётган 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганини барча ҳамюртларимиз қувонч билан қўллаб-қувватламоқда.

✓ Муносабат

ХАЙРЛИ ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Водийнинг сўлим гўшаларидан бири Лангар қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Президентимиз Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ёшлар йилида амалга оширилган ишларга якун ясаб, 2009 йилни **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб эълон қилишни таклиф этганларида, очиғи, севинчим ичимга сиғмай кетди. Сабаби, марказдан четроқда бўлган қишлоқларимиз, хусусан, мени улғайтирган Лангар истиқболи ҳақида давлат раҳбарининг ўзи қайғуради-ю, бундан қувонмай бўладими!

Шукр, мустақиллик йилларида қишлоғимиз қайтадан чирой очди. Тоза ичимлик суви қувурлари тортилди, табиий газ билан таъминлаш тармоғи кенгайди, кўчаларимиз асфальтланди. Бирин-кетин замонавий лойиҳа асосида маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлади. Мактабимиз эса қайта қурилди. Синф хоналари янги мебеллар, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди... Бу Фарғонанинг чекка бир қишлоғидаги ўзгаришлар.

Ишончим комилки, келгуси йилда қишлоқларимизда амалга ошириладиган бу каби хайрли ишларнинг кўлами янада кенгаяди. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, 2009 йилда қишлоқдаги таълим масканларининг моддий-техника базаси ва ўқиш-ўқитиш ишларининг сифат даражаси янада мустаҳкамланади, тараққий этади. Демак, ана шундай эзгу мақсадлар рўёбга чиқишида бошқа ҳамқишлоқларим қатори, мен ҳам бор куч ва билимим билан ўз ҳиссамни қўшишим керак, деган хулосага келдим.

Шукрулло АКБАРОВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Президентимиз айтганларидек, қишлоқларимиз қанчалик тез ривожланса, деҳқончиликдан олинадиган ҳосил ҳам шунча мўл бўлади. Мўл ҳосил дегани — мўмай даромад дегани. Даромад кўп бўлса, табиийки, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳам юксалиб боради.

Мустақиллик йилларида ҳудудимизда 6 та мактаб, 1 та касб-ҳунар коллежи ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари фаолияти тубдан яхшиланди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг барча тизимларидан унумли фойдаланяпмиз. 5 та озиқ-овқат дўкони, 1 та новвойхона, пойабзал устахонаси, уй-рўзғор буюмлари ва енгил автомобилларни таъмирлаш, кийим-кечак бичиштикиш нуқталари эл-улус хизматида. АТСимиз шаҳар телекомига уланган. Барча хонадонлар газлаштирилган, тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари эса тезкор бормоқда. Шунингдек, 45 ўринли 2 қаватли касалхона (туғуруқхонаси ҳам бор) ва 2 та қишлоқ врачлик пунктимизда намунали тиббий хизмат йўлга қўйилган. Ҳашар йўли билан қурилаётган яна бир қишлоқ шифокорлик пункти (ҳомийлар ҳисобидан) келгуси йил баҳорида ишга туширилади.

Биз шу кунларда 2009 йил режаларимизни ишлаб чиқиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлидаги навбатдаги чора-тадбирларни белгилаб оляпмиз. Ҳаётимиз тўкинлиги заминга, қишлоқларимиздаги замонавий шарт-шароитлар ва меҳнатимизга боғлиқлигини яхши биламиз.

Анвар ХЎЖАБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги «Найман» муқобил машина-трактор парки раиси.

ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

Республика ногиронлар жамияти Наманган вилоят бўлими Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига бизнес-режа тақдим этиб, 7 миллион 775 минг сўмлик грантни қўлга киритди. Ана шу маблағ эвазига компьютер ва бошқа хил техника жиҳозлари сотиб олиниб, ногирон йигит-қизларга компьютер илмидан сабоқ берилмоқда. Бундан ташқари жамият қошидаги 15 та шўъба корхонасида ҳам тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, новвойлик, қандолатчилик каби йўналишларда 400 га яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, яқинда жамиятнинг вилоят бўлими томонидан Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 186 кишига 19 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жорий йил бошидан буён 226 та махсус аравача, 91 та эшитиш мосламаси, 339 кишига ҳасса ва қўлтиқтаёқ, 140 кишига протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб берилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

БУГУНГИ СОНДА:

ЎзХДП: электорат манфаати • МЕҲНАТ ИСТЕЪДОДНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ 2

• АДИРДАГИ БОҒЛАР

ёки замондошларимиздан бири Бахтиёр Мингноровнинг хайрли ва эзгу ишлари ҳақида 3



• ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ 4

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

«Андижон — Тошкент» йўли сўнгги йилларда халқаро мезонлар асосида қайта қурилди. Кенг, равон ва обод магистралдан ўтиб бораётган автомашинларни кўриб, ҳавасингиз келади. Илгарилари манзилгача 6-8 соат йўл юрилган бўлса, энди яратилган қулайлик туфайли шу масофани атига 4-5 соатда босиб ўтасиз.

2-бет >

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

✓ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Ўзбекистон ХДП Мирзаобод ва Тошлоқ туман кенгашларида шу мавзуда семинар-тренинглар ташкил этилди

Уларда БПТ раислари, тарғиботчилар ва Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Мирзаобод туман кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан ХДП вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов, туман ҳокими ўринбосари, партия аъзоси Умматқул Маллаев ва бошқалар фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги мавқеини янада ошириш, қонунчилигимиз уларга яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳақида фикр алмашдилар.

— Ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институти мамлакатимизга хос бўлган, дунё давлатчилигида ўхшаши бўлмаган ва муҳим аҳамиятга молик ҳодиса, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Бойназар Юсупов. — Муҳтарам Президентимиз буни ҳамиша таъкидлаб, маҳаллалар мавқеини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, аҳоли тинчлигини таъминлашга доир кўпгина муҳим вазифалар бевосита маҳаллалар зиммасига юклатилди. Шу масалаларга доир тегишли қонунлар қабул қилинди. Айтиш керакки, кучли давлатдан кучли жамият сари тамойилини амалга оширишда маҳалланинг ўрни беқиёс.

— Маҳалла давлатимизнинг асосий таянчи ҳисобланади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Рустам Тиллабоев. — Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч, маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз тарбиясида, уларнинг дунёқараши соғлом бўлишида маҳалланинг ўрни беқиёс. Шунингдек, тарбиявий-ташкилий, тарғибот-ташвиқот борасида ЎзХДП вилоят, туман кенгашлари ва маҳаллалар мустаҳкам алоқа ўрнатиши зарур.

Тадбир сўнггида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва партия ташкилотларининг ҳамкорликдаги вазифалари белгилаб олинди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●●●

Тошлоқ туманида бўлиб ўтган семинарда маъруза қилган Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари З.Абдуллаева миллат маънавиятини юксалтириш, давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш касб этишини таъкидлади. Бу борада маҳалланинг ўрни беқиёс эканлиги алоҳида қайд этилди. Ушбу йўналишда кенг жамоатчилик ва сиёсий партияларнинг амалий ҳамкорлиги ушбу мақсадлар рўёбга чиқишида ижобий натижа бермоқда. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик эса аввало маҳалладаги тинчлик, осойишталик ва фаровонликка асосланади.

Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси ўринбосари Д.Пўлатова сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган ўқувларнинг партия фаолларининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини оширишдаги аҳамияти, 2008-2009 ўқув йилида БПТ олдида турган вазифаларга тўхталди. Бу борада тўпланган тажрибалар ҳақида фикр юритди. Заркент маҳалла ҳудудий партия ташкилоти раиси М.Маткаримова, Кўприкбоши маҳалла ҳудудий партия ташкилоти раиси Ў.Зокирова, Юқумли касалликлар шифохонасининг БПТ раиси Ў.Усмонова меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларидаги партия қуйи бўғини ишини яхшилаш юзасидан фикр билдирди.

Шунингдек, иштирокчилар, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши Ахборот-ресурс маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Конституция — ҳуқуқ ва эркинлик, шаън ва қадр

УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳар бир давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Мана, ўн олти йилдирки, Конституциямизга таяниб яшаймиз. Унинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қадамда аниқ сезиб турамиз.

Улуғ аждодларимизнинг асрий армонлари, халқимизнинг ёрқин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек эзгу тилаклари, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, уларнинг бахтини, камолини кўриш истаги Ўзбекистонимиз Конституциясида ўз ифодасини топган.

Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — Инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими белгилаб берилган. Шу маънода, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради ҳамда давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчларини бир-бирига мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва ҳозир мамлакатимизда 60 йиллиги кенг нишонланаётган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари ҳамда БМТ Низомида белгиланган тамойилларга мувофиқ инсоният оиласининг ҳамма аъзосига хос бўлган қадр-қиймат, тенг ва бузилмас ҳуқуқларни тан олиш, озодлик, адолат, тинчлик ва тотувликнинг негизи эканини ўзида мужассам этган. Шу билан бирга, унда ривожланган давлатларнинг Конституциялари, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 70 га яқин, Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган 160 га яқин, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан қабул қилинган 30 дан кўпроқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, хартиялар, декларациялар, пактлардаги инсонпарварлик ғоялари ҳисобга олинган.

Бош Қомус Ўзбекистон халқининг демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқий мезонларни эътироф этиб, унинг устунлигини тан олган ҳолда қабул қилинган мумтоз ҳужжатдир.

Асосий Қонунимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот, билим олиш, малакали тиббий хизматдан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш каби анъанавий ҳуқуқлари, сўз ҳамда эътиқод эркинликлари янги жамият талабларидан келиб чиқиб, янада реал тарзда белгиланди. Бу инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши (13-модда), давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши (14-модда), барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги (18-модда), конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги, уларни суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги (19-модда) қатор моддаларда ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари, оила, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишидек жамият ҳаётининг муҳим йўналишлари демократик тамойиллар асосида белгилаб қўйилган.

Конституциямиз олий ҳуқуқий кучга эга бўлган, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар пойдеворини ташкил этадиган, тузатиш ва қўшимчалар киритилиши қатъий назорат қилинадиган ҳужжат ҳисобланади. Унинг негизида бутунлай янги ва илғор қонунчилик тизими шакланди.

Ўзбекистон Конституцияси моҳиятига кўра, демократик жамиятнинг асосий тимсолларидан биридир. У халқимизнинг ўзини-ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш ҳақидаги азалий орзусини ифодалайди.

Салоҳиддин САҲАДДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раиси.

✓ ЎзХДП: электорат манфаати

МЕҲНАТ ИСТЕЪДОДНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ

Кўзи ожиз, заиф эшитувчи, ҳаракат таянчи шикастланган шахсларни имконияти чекланганлар деб аташга одатланганмиз. Ҳолбуки, улар шундай вазиятда ҳам билим олиш, ҳунар ўрганиш, жамиятнинг маданий ҳаётида фаол иштирок эта олишларини намоён этишмоқда. Бири қўли бўлмаса-да, оёқ бармоқларида сурат чизади, яна бири кўзи яхши кўрмаса-да, кийим тикади, оёғи ишламаса ҳам техника сирларини, бухгалтерия ҳисобини ўрганади. Ҳатто кўпчилиги айрим тўрт мучаси соғ одамлар эришолмаган ютуқларни қўлга киритади. Демак, уларнинг жамият учун фойдали инсон бўлиш имконияти, қобилияти чекланмаган.

Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежида ана шундай ёшлар таълим олиб, маълум касб эгалари сифатида етишиб чиқмоқда. Бу ерда 435 нафар ўқувчи тикувчилик, радиотехника ва телеаппаратуралар, машина ва асбобларни таъмирлаш, пойабзал иши, бухгалтерия ҳисоби, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш, тўқимачилик каби йўналишлар бўйича таҳсил олади. Ишлаб чиқариш таълими устаси бўлган 27 нафар устоз уларга таълим беради, касб-ҳунар сирларини ўргатади.

— Ўқувчиларим — менинг фахрим, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳулкар Аҳророва. — Уларнинг тиришқоқлиги, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга тинимсиз ҳаракат қилишини кўриб қувонаман. Ўқувчиларнинг ҳунар эгаллашлари учун бир нечта тикув, бичув, пойабзал цехлари, 2 та радиотехника, компьютер синфларининг фаолияти йўлга қўйилган. Бундай шароитларнинг мавжудлиги уларнинг келажакда малакали мутахассис бўлиши учун зарур.

Коллеж ўқувчилари турли соҳаларда кўплаб ютуқларга эришмоқда. Сирожиддин Зайниддинов ҳам шу ерда таълим олади. Бу йил Швейцариянинг Сент-Галлен шаҳрида ICSC — Халқаро заиф эшитувчилар шоҳмат қўмитаси таснифида шоҳмат бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, ўсмирлар ўртасида иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. Коллежда бундай ўқувчилар сони кундан-кун ортиб бормоқда.

Куни кеча бу ерда Конституция куни муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— ЎзХДП ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида турли тадбирларни амалга оширмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Партия Дастурида айниқса, ногиронлар, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида аниқ ташаббуслар билан чиқмоқда. Зеро, ёшларимиз бугун ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

— Ўзбек ва япон халқи ҳамиша дўстлик, бирдамлик ғояларини илгари суриб келади, — дейди Осиёга кўмаклашувчи Япон Жамияти директорлар кенгаши раиси Тактия Хтазавур. — Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Менинг бу ерга ташрифим ҳам ўзбек миллатига, сизларга эҳтиромим, ҳурматим юксаклигидандир. Бу ерда жисмонан чекланган бўлишига қарамасдан, эришаётган ютуқлари билан барчани лол қолдираётган ёшлар камол топаётгани Ўзбекистон келажаги ҳақиқатдан ҳам порлоқ эканидан далолат беради.

Шунингдек, тадбирда ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Раъно Маматқулова ва бошқалар Конституциямиз, унинг ҳаётимиздаги, жамиятимиз тараққиётидаги ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир сўнггида коллеж ўқувчиларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА

сиёсий партиялар ролининг тобора ортиб бориши — фуқаролар сиёсий ҳуқуқлари тўла таъминланишининг кафолати

Тошкент вилоят партия кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулоти ушбу мавзуга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари ва электорат вакиллари қатнашди.

Семинарда Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов маърузаси тингланди. Шундан сўнг қатнашчилар гуруҳларга бўлиниб, қонун ҳужжатларини тарғиб қилишда партия фаолларининг ўрни ва вазифалари юзасидан фикр алмашди. Юртимизда фуқаролар ҳуқуқ-эркинликларини таъминлашга қаратилган чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётгани, Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисидаги» Фармони бу ишларни янада янги босқичга кўтаргани таъкидланди. Партиянинг Оҳангарон, Чирчиқ шаҳар, Зангиота туман кенгашлари раислари Конституциямизда декларациянинг асосий принциплари тўла мужассам эканини таъкидлади.

Бу мавзу партиянинг шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларида ҳам муҳокама этилди.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Тадбир

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

«Экосан» халқаро ташкилоти Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 3-босқичи доирасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган «Ҳуқуқ, экология, саломатлик» мавзуида конференция ўтказилди.

Тадбирда экология ва инсон саломатлиги муҳофазасига оид халқаро конвенцияларга амал қилишда энг аввало табиатни муҳофаза қилиш идоралари, тегишли ташкилотлар ва жамоатчиликнинг роли ҳамда экологик хавфсизликнинг барқарор ривожланишида қонунлар устуворлиги масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

— Истиқлол йилларида республикамизда табиатни муҳофаза қилишнинг қонунчилик асослари яратилди, — деди Тошкент давлат юридик институтининг проректори М.Усмонов. — Бинобарин, 20 дан ортиқ қонун, 50 дан зиёд қарор ва меъёрий ҳужжатлар атроф-муҳитни ҳимоялашга оид муносабатларни давлат йўли билан тартибга солишга йўналтирилди...

Конференция қатнашчилари бу борада аҳолининг, айниқса, талаба ёшларнинг экологик билимларини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Сардор ЙЎЛДОШЕВ,
ТАТУ қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси,
«Экосан» ёшлар клуби аъзоси.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК ҲИМОЯСИ

Ҳар бир инсон дунёга келар экан бахтли, тинч ва эркин яшашни истайди. Унинг бу мақсади ҳуқуқий кафолат — қонунлар орқали намоён бўлади. Буни эса энг аввало Бош қомус — Конституция таъминлайди.

Халқимизнинг эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек эзгу тилаклари, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек, уларнинг бахтини, камолини кўришдек орзу-ҳаваслари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олиниб, давлат ҳам, жамият ҳам, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди. Бош қомусимизнинг барча боб ва моддалари эса аввало, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида эришилган ютуқларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Асосий Қомусимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт фикрлар, мафкуралар хилма-хиллиги, кўппартиявийлик, сўз ва фикр эркинлиги, эътиқод эркинлиги, манфаатларнинг кўплиги асосида ривожланиши Конституциямизда мустаҳкамланган. Тегишли конституциявий меъёрларда нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки уларни таъминлаш бўйича давлат идораларининг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбурияти демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос муҳим жиҳати ҳисобланади. Зеро, давлат одамларга қонунчилик доирасида зарур турмуш шароитини таъминлаши, халқ эркини амалга ошириши, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари йўлида хизмат қилиши лозим.

Конституция истиқлол маҳсули. Шу билан бирга уни ҳимоя қилувчи қалқон, жамиятимизнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Конституциянинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда давлатнинг қиёфаси, жамиятнинг хусусияти яққол ўз ифодасини топади.

Бош Қомус халқимиз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлик асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига боғлиқ. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, конституциявий талабларга риоя этиш ўта муҳим саналади. Шу маънода халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ифода этган Асосий Қонунимизни ўрганиш, тарғиб этиш ва унга қатъий риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Маъруф РАҲИМОВ
тарих фанлари номзоди, доцент

ФАРҒОНА: ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда яратилган йўлсозлик мактаби вилоятларда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Ҳукумат қарори билан 2008 йили водийда яна бир қурилишга қўл урилди. Илгари Фарғона ва Андижон вилоятларини Тошкент билан боғлайдиган халқаро йўл Қўқон шаҳри орқали ўтарди. Шаҳарнинг жўғрофий кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиши ва қатнов кўпайгани туфайли Қўқон айланма йўли кечакундуз тирбанд бўларди. Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилоятининг Учуй — Чагали оралиғида янги йўл қурилиши бошланди. У фойдаланишга топширилса, водийнинг ҳар икки вилоятидан Тошкентга келиш йўли 18 километрга қисқаради. Натижада Қўқон айланма йўлида қатнов ҳам меъёрлашади. Шу кунларда мазкур қурилишнинг иккинчи — 23,5 километр узунликдаги босқичи якунланиш арафасида. Уни шарқий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси ишчи ва мутахассислари бунёд этмоқда.

— Қурилишнинг иккинчи босқичига 21,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Биз уни белгиланган муддатлар ичида ўзлаштираяпмиз, — дейди корхона директори ўринбосари Валижон Азимов. — Трассада қурилиш ишлари якунланди ҳисоб. Иккита кўприк тайёр. Асосий куч — қолган икки кўприк ва уларни боғловчи ораликка ташланган

— Бизнинг жамоага масъулиятли вазифа — трассадан Бувайдага айланма йўл туширишни топширилган, — деб суҳбатга қўшилди «Фарғонакўприкқурилиштаъмирлаш» бошқармаси йўл устаси Икромжон Аҳмадалиев. — Тупроқ ишлари тугади. Энди устки қатламга тош босиб, асфальтлашга тушамиз.

— Ҳозир тайёр икки кўприкда 68 минг кубометр тупроқ ишлари бажардик, — дея изоҳ берди иш юритувчи Илҳомжон Сатторов. — Ҳар бирининг остидан темир йўл ҳамда автомобиль йўли ўтадиган кўприкларга шу кунларда асфальт қопланади...

Янги магистрал йўл бўйлаб қурилаётган навбатдаги икки кўприкни айланиб кўрдик. Уларнинг бири Шимолий Боғдод канали устида бунёд этилмоқда. Қўйиладиган металл конструкциялари корхонаси бу ерга буюртма асосида махсус темир-бетон плиталар тайёрлаб бермоқда. Германиянинг «ХАМ» виброкатоК(силтаб зичлагич)лари кўмагида ҳар бир қарич асос маромига етказиб ишланиб, пешма пеш устки қатлам билан қопланаяпти. Йўлсозлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилаётган 23,5 километрлик йўл яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Янги йилнинг дастлабки кунларидан эса унинг давоми — 7 километрли ораликда навбатдаги иш бошланади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Замондошимиз

АДИРДАГИ БОҒЛАР

ёки юртдошларимиздан бири Денов тумани Ойбарак қишлоғида истиқомат қилаётган Бахтиёр Мингноровнинг хайрли ва эзгу ишлари ҳақида

— Истиқлолга қадар турли соҳаларда ишладим, — дейди у. — Аммо рўзғорга барака кирганини эслай олмайман. Янги замон шарофати билан орзуларимиз амалга оша бошлади. Тижорат, чорвачилик билан шуғулланаман. 2005 йилда «Менгниёз-Рустам» фермер хўжалигини ташкил этдик. 35 гектар еримиз бор. Шундан 3 гектари узумчиликка ихтисослашган.

...Камсуқум, мулоҳазали фермер билан тоғ сари йўл олдик. Тоғ этагида-денгиз сатҳидан минг метрлар чамаси юқорида жойлашган узумзор ястаниб турибди. Ўнқир-чўнқир, тошлоқ сойликдан ўтиб, яна адирликлар бошланади... Бир томонда 5 минг тупдан ортиқ узум бўлса, унинг ёнбошидаги адирда мингдан ортиқ олма экилган. Зардоли, анжир, ёнғоқ, нок, хуллас бу жойлар гўзал боғга айлантирилибди.

Фермер хўжалиги раҳбари иш бошқарувчи билан таништирар экан, боғларни кўздан кечиришимизни тайинлади.

— Яқинда иш бошқарувчи бўлдим, — дейди ҳамроҳим Анвар Мансуров. — Бу адирлар менга қадрдон. Ёшлигимизда шу ерда мол, қўй боқардик. Сув келганини билмайман. Яйдоқ, тиконзор бўлиб ётарди. Фермер тасаррофига ўтгач, рости гуллабяшнади. Аввалига «Ойбарак»дан уч километр елим қувур ёрдамида сув келтирди. Оби-ҳаёт 35 тонналик идишга тўпланади, денг. Йил давомида сув сероб. Мевасабзавот, дейсизми, полиз маҳсулотларими, баридан мўл-кўл ҳосил битаяпти. Янаги йил эса токзорлар узум беради. Турли мевали дарахтлардан ҳам тонналаб ҳосил олиш ниятидамиз. Келажакда эса яна адирларни ўзлаштириш ана шундай боғлар яратиш режамизда бор.

— Лалми майдонни ўзлаштириш учун қанча маблағ сарфланган экан, — суҳбатга тортаман ҳамроҳимни.

— ...Техника, ёнилғи-мойлаш материали, 3 минг метр қувур, сув идишларининг ўзи анчага боради. Бундан ташқари мевали ва манзарали дарахтлар ҳам бор. Токзор учун бетондан тайёрланган махсус тирговчи, сим, буларнинг бари пулда...

Юртбошимизнинг озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги Фармонлари ишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Энди буғдой ва бошқа озиқ-овқат экинларини ҳам кўпайтирамиз. Сув бор ҳудуд яшнайди. Келажакдаги орзуим эса шу ерда тош майдалайдиган замонавий цех бунёд этишдир...

Изланиб, интилиб, орзуҳавас билан яшаш яхши. Унинг хайрли ва эзгу ишларидан яна бири эса улкан кўприкни фойдаланишга топширганидир. «Бахт кўприги» номини олган ушбу иншоотга 25 миллион сўм маблағ сарфланган.

— Азалдан сув келтириш, йўл ва кўприк қуриш савоб, — дейди 65 ёшли Абдурасул ҳожи Курбонов. — Бахтиёржон ҳам халқнинг олқишига сазовор бўлиб келаяпти. Элнинг эр йигити амалга оширган ишлардан кўпчилик миннатдор.

— Ватан оиладан бошланади, — давом этади Чоршанби Жумаев. — Маҳаллаларнинг ободлиги юрт тараққиёти нишонасидир. Хайрли ишда оқсоқоллар ҳам қўлдан келганча ёрдам берди. Янги кўприк бир неча маҳаллаларни бирлаштиргани ҳамқишлоқларимизни хушнуд этди.

— Кўприкни очилиш маросими ҳақиқий тантанага айланганди, — давом этади Улаш бобо Курбонов. — Ўндан ортиқ нуронийларга совғалар улашилди. Ёшлар йили муносабати билан жажжи фарзандларимизга ўқув қуроллари ҳамда совға-саломлар топширилиши болажонларни янада хушнуд этди. Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган «Бахт кўприги»га келин-куёвларнинг ташриф буюришлари ҳам ўзига хос маъно касб этди. Илоҳим ташаббускор йигит барака топсин.

Яхшилик, меҳр-мурувват унутилмайди. Кўмакка муҳтожларга қилинган саховат улуғланади. Аждодларимиздан мерос ана шундай бебаҳо қадриятлар эса ҳар бир инсоннинг умр китобини безайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: «Менгниёз-Рустам» фермер хўжалиги ҳудудида яратилган боғ; «Бахт кўприги».

ТАКЛИФНИ ИНКОР ЭТИБ

Украина президенти ҳамкорлик музокаралари олиб бориш учун Литвага жўнаб кетгани боис Олий Раданинг мамлакатдаги иқтисодий вазият бўйича ўтказадиган мажлисида қатнаша олмайди. Ҳолбуки, президент ушбу мажлисга таклиф этилган эди.

Юшченко парламент ўз фаолиятини тиклагунча Олий Радага қадам босмаслигини маълум қилган.

АЙБИГА ИҚРОР БЎЛМАЯПТИ

2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик хуружи ташкилотчилари сифатида иши судда кўрилаётган Холид Шайх Муҳаммад ва унинг тўрт шериги айбига иқрор бўлмаяпти, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. Ҳолбуки, улар бир кун илгари тавба-тазарру этишини билдиришган эди. Уларнинг иши Кубада жойлашган Гуантанамо ҳарбий база қамоқхонасида кўриб чиқилмоқда. Ҳарбий судья Стивен Хенли террорчилар айбини бўйнига олгани билан уларга ўлим жазоси берилишига шубҳа билдирган. Шу боис айбланувчилар аввалги фикридан қайтишган.

Энди суд вазиятга ойдинлик киритишига тўғри келади. Рейтернинг хабар қилишича, айбланувчилар тезроқ ўлим жазосига ҳукм этилишларига умид боғлаб, шундай қарорга келишган эди. Гап шундаки, улар Жорж Буш маъмурияти даврида «қийноққа солинган»лар рутбасига эга бўлишни кўзлашган. Келаси йилнинг 20 январидан президент лавозимини эгаллайдиган Барак Обама эса Гуантанамо ҳарбий базасидаги қамоқхона ёпилиб, кўрилаётган барча ишларни АҚШ ҳудудидаги оддий маҳкамаларга ўтказилишини таъкидлаган.

«ТОЖ-МАҲАЛ»ДА ЯНА ЁНҒИН

Мумбайдаги йигирма қаватли «Тож-Маҳал» меҳмонхонасида яна ёнғин чиққан. Ҳиндистон ўт ўчирувчиларининг маълумотига кўра ёнғин тезда бартараф этилган. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Эслатиб ўтамиз, «Тож-Маҳал» жорий йилнинг 26 ноябрида бир гуруҳ террорчилар томонидан босиб олинган эди. Меҳмонхона икки ярим кундан сўнг улардан тозаланди ва таъмирлаш мақсадида ёпиб қўйилган.

АФИНАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Афина полицияси Греция пойтахтида 6 декабрь куни бошланган ҳукуматга қарши чиқишларнинг 168 нафар қатнашчисини ҳибсга олган. Шаҳардаги тўқнашувлар натижасида полициянинг 12 ходими яраланган. Тинч аҳоли орасида ҳам жабрланганлар бўлиб, уларнинг сони ҳозирча аниқланганги йўқ. Греция Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, кўздан ёш оқизувчи газдан заҳарланиш оқибатида 10 киши касалхонага келтирилган.

Гарчи ҳуқуқ-тартибот идоралари шаҳар назорат остига олинганини айтаётган бўлса-да, тартибсизликлар тугагани йўқ. Эслатиб ўтамиз, полиция томонидан 15 ёшли ўсмирнинг отиб ўлдирилиши ҳукуматга қарши норозилик ҳаракатларини авж олдириб юборди. Тартибсизликлар пойтахт Афинадан ташқари мамлакатнинг кўпгина ҳудудларини қамраб олган.

✓ Биз ва дунё

ЙИЛНИНГ БИЛИМДОН МИЛЛИОНЕРЛАРИ

Ҳозир техниканинг ажойиб ютуғи — компьютер ёрдамида кўп нарсани холис баҳолаш мумкин. Бундан бир неча йил илгари мутахассислар гуруҳи XX асргача яшаб ўтган барча фозилларнинг кашфиётларини компьютер хотирасига киритишди ва уларнинг нечта йўналиш бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлиши мумкинлигини аниқлашди. Замонавий компьютер дунёдаги фақат битта аллома Нобель мукофотига тўртта йўналиш бўйича муносиблигини кўрсатди. Ўша аллома бизнинг ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир. Дунёдаги тўртта аллома эса, Нобель мукофотини учта йўналиш бўйича олар экан. Улардан икки нафари бизнинг ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синодир.

Бироқ, дунёдаги буюк ишлар учун таъсис этилган Халқаро Нобель мукофоти қадимдан эмас, динамит ихтирочиси Альфред Берихард Нобель (1833-1896) васиятига кўра 1901 йилда таъсис этилган. Мукофот эгалари ҳар йили октябрь ойида Стокгольмдаги Қироллик Фанлар академияси (физика, кимё ва иқтисод йўналиши бўйича), Қироллик тиббиёт-жарроҳлик институти (тиббиёт), Швеция академияси (адабиёт) ва Норвегия парламентининг Нобель мукофоти қўмитаси (тинчлик) томонидан эълон қилинади. Йил лауреатларига Стокгольм ва Ослода Нобель вафот этган кун — 10 декабрда Нобель сурати туширилган олтин медаль, диплом ва Нобель жамғармаси даромадидан келиб чиқиб пул мукофоти тантанали равишда топширилади. Ҳар бир йўналиш бўйича бу йилги пул мукофотлари 10 миллион швед кронаси (1 миллион 399 минг АҚШ доллари)ни ташкил этди.

Энди 2008 йилнинг билимдон миллионерлари билан танишинг.

ТИББИЁТ

Харалд цур Хаузен (Германия), **Франсуа Барре-Синусси ва Яюк Монтанье** (Франциядан) — одам организмида хавфли касалликларни келтириб чиқарувчи вирусларни кашф этишгани учун (пул мукофотининг ярми германиялик олимга берилади, қолган қисми франциялик олимлар ўртасида тенг тақсимланади).

ФИЗИКА

Йотиро Намбуга (АҚШ, келиб чиқиши япониялик), **Макото Кобаяси ва Тосихидэ Масукава** (Япония) — элементар зарралар (симметриянинг ўз-ўзидан вайрон бўлиши ва унинг сабаблари) борасидаги кашфиётлари учун (пул мукофоти тиббиётдаги каби тақсимланади).

КИМЁ

Осаму Синомура, Мартин Чалфи ва Рожер Чалфи (АҚШ) — яшил флюоресланадиган оқсил бўйича қилган кашфиётлари учун (пул мукофоти улар ўртасида тенг тақсимланади).

АДАБИЁТ

Жаке-Мари Гюстав Леклезио (Франция) — «Фрида» романи учун.

ТИНЧЛИК

Мартти Ахтисаари, Финляндия собиқ президенти — Индонезия ҳукумати ва Озод Ачех сепаристлари ўртасидаги музокараларга воситачилик қилгани ҳамда Косоводаги вазиятни барқарорлаштиришда фаол иштирок этгани учун.

ИҚТИСОД

Пол Кругман (АҚШ) — савдо-сотиқ муносабатлари ва иқтисодиёти юксак ҳудудлар бўйича эълон қилган таҳлилий изланишлари учун (бу мукофот Швеция давлат банки томонидан 1968 йилда таъсис этилган).

Биз мутахассисларнинг Нобель мукофотини кимлар олиши мумкинлиги тўғрисидаги тадқиқотини бежиз эсламадик. Низомга кўра Нобель мукофоти битта йўналиш бўйича олимга бир марта берилади. Агар шундай бўлмаганда компьютер буюк ватандошларимиз — Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино оладиган Нобель мукофотлари сонини бир неча марта кўпроқ кўрсатарди. Ҳа, биз ана шундай алломаларнинг ворисларимиз, интеллектуал салоҳияти жуда катта халқнинг фарзандларимиз.

Тўғри, ҳозирча Нобель мукофоти лауреатлари орасида бизнинг ватандошларимиз йўқ. Лекин улар албатта бўлади. Юртимизда иқтидорли ёшларга ва илм-фан ривожланишига кўрсатилаётган ғамхўрлик шундай дейишимизга асос беради. Ахир, оққан дарё оқмай қолмайди. Яқин келажакда юртимизда янги хоразмийлар, беруниийлар, ибн синолар вояга етади.

Асрор МЎМИН

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2009 йилнинг 13 январидан 13 февралига қадар ҳар хафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига сотилгунга қадар

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 2-А уй манзилида жойлашган, «банкрот» деб эътироф этилган «4-SON QURILISH TRESTI» ОАЖга тегишли қуйидаги авторанспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар қўйилишини маълум қилади:

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 404 бўлган «ГАЗ-31029» русумли авторанспорт воситаси,

бошланғич нархи — 1 870 807 сўм;

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 193 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич нархи — 163 590 сўм;

— 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 807 бўлган «ЗИЛ-431410» русумли авторанспорт воситаси,

бошланғич нархи — 2 185 414 сўм;

— 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 694 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич нархи — 2 185 414 сўм;

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 816 бўлган «ЗИЛ» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич нархи — 2 889 159 сўм;

— 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 161 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли авторанспорт воситаси,

бошланғич нархи — 3 824 475 сўм;

— 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 804 бўлган «ЗИЛ-441510» русумли авторанспорт воситаси,

бошланғич нархи — 1 092 707 сўм;

— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 5323 ЕФ бўлган «Прицеп-5323 ОДАЗ»,

бошланғич нархи — 432 356 сўм;

— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами AG 805 бўлган «ГАЗ-53-27» русумли авторанспорт воситаси,

бошланғич нархи — 1 364 523 сўм;

— 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 0138 ЯД бўлган «Борэкс-2629» русумли экскаватор-бульдозер,

бошланғич нархи — 3 382 193 сўм;

— 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 811 бўлган «КАВЗ-685» русумли автобус,

бошланғич нархи — 1 321 880 сўм;

— 1990 йилда ишлаб чиқарилган, рақамсиз бўлган «Т-28Х4М-А» русумли трактор прицепи билан,

бошланғич нархи — 1 596 428 сўм;

— ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган, рақамсиз «Т-28» русумли (уч ғилдиракли) трактор прицепи билан,

бошланғич нархи — 1 105 197 сўм;

— 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 199 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич нархи — 3 045 256 сўм;

— 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 808 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси,

бошланғич нархи — 3 045 256 сўм;

— ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган рақамсиз «Вагон-уй №1»,

бошланғич нархи — 727 469 сўм;

— ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган рақамсиз «Вагон-уй №2»,

бошланғич нархи — 544 623 сўм;

— ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган рақамсиз «Вагон-уй №3»,

бошланғич нархи — 727 469 сўм;

— ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган рақамсиз «Вагон-уй №4»,

бошланғич нархи — 544 623 сўм;

Ушбу мулкларни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 12.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уйда ўтказилади.

Маълумот учун телефонлар: 233-23-49, 233-23-40.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буг қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхопалар раҳбарлари диққатига!!!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАНИ «ГУРУНЧ-МОЗОР НЕФТЬ БАЗА» УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон вилояти Жалақудуқ тумани «Гурунч-Мозор нефть база» унитар корхонаси ҳудудидаги автобоғ майдонини кенгайтириш ҳамда қўшимча темир айвон қурилиши.

Буюртмачи: Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, «Гурунч-Мозор нефть база» унитар корхонаси (Андижон вилояти, Охунбобоев шаҳри, Дўстлик кўчаси, 8. Тел/факс: 8-374-755-24-19)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдода ташкилотчиси Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳар, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс: 8-374-224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 60 000 сўм.

Таклифлар (офертлар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

✓ Табиат ва биз

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, табиатга беписанд муносабат яқол кўзга ташлана бошлади. Бу эса ўша замонларда экологик тарбия сусайганини билдиради. Бу жараён ҳали-ҳамон давом этмоқда, ернинг, сувнинг, ҳавонинг тозалигига путур етмоқда, десак, хато бўлмайди. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз фарзандлари онгу-шуурига табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, унинг ноз-неъматларидан оқилона фойдаланиш зарур деган тушунчани сингдириб келган. Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори ТУРСУНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Мўътабар динимизда борлиқнинг ҳар бир зарраси улуғланган. Бунинг замиридаги мазмун-моҳиятни изоҳлаб берсангиз.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Оллоҳ таоло Ерни обод қилиш учун яратган. Осойишта ҳаёт, фаровон турмуш кечириш, сиҳат-саломатлигимиз табиатга бўлган муносабатимизга бевосита боғлиқ. Чунки бутун борлиқ, хусусан, мавжудотлар, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, тоғу тошлар ва дарёю денгизлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, яхлит ва бир бутун ҳаёт демакдир. Агар уларнинг бирига зарар етса, албатта, иккинчиси ҳам бундан азият чекмай қолмайди.

Сиз ернинг қуёшга нисбатан жойлашишини илмий асосда тасаввур қилинг. У ўрнидан бир қарич силжиса, тириклик барҳам топиши мумкин. Шусиз ҳам «қора туйнук»лар инсоният ҳаётига хавф солиб турибди.

Табиатдаги ноз-неъматлар, ер ости ва ер усти бойликлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун яратилган. Ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Оллоҳ берган улуғ неъматнинг қадрига етиш, ҳосилдор ерларни, мусаффо ҳавони ва тоза сувни қадрлаш, дов-дарахт ва ҳайвонот оламига озор етказмаслик барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Ёш авлод онгига халоллик ва покизаликни, она-табиатни севиб эъзозлашни қанчалик чуқур сингдирсак, кўзлаган мақсадга шунчалик тез етамиз.

Қуръонда дунёдаги неъматларни исроф қилманглар, деб қайта-қайта таъкидланган. Сиз айтган табиатга беписанд муносабат ҳам исрофгарчиликнинг бир кўринишидир. Доктор Холуқ Нурбоқий Қуръонни ўрганган киши ақл даричасидан коинотни бемалол томоша қилади деб бежиз айтмаган.

«Хурмо кўчатини ерга ўтказмоқчи бўлиб турганингда биров келиб, қиёмат бошланди, деса, унинг гапига аҳамият бермай, аввал ниҳолни ерга қада», дейилади саҳиҳ ҳадисда. Бунда чуқур маъно бор.

Бир куни Расули акрам Ухуд тоғига қараб: «Бу тоғ бизни яхши кўради, биз ҳам бу тоғни яхши кўрамиз», дедилар. Қаранг, она-табиат қандай эъзозланмоқда. Тоққа тирик мавжудот каби мурожаат қилинмоқда.

Ҳазрати Умар: «Агар сен денгиз бўйида ўтирсанг ҳам сувни тежа», деб уқдирган. Мўътабар динимизда ҳатто ибодатда ҳам сувни тежаш керак, дейилган. Нимага десангиз, сувни ёки ерни тежаш уни қадрлаш демак. Қўлимизга бир зирапча кирса, жонимиз қандай оғрийди. Биз ана шундан келиб чиқиб табиатга меҳрли, муҳаббатли муносабатда бўлишимиз лозим.

— Исломда поклик, яхшилик ва яратувчилик эъзозланган. Тинчлик энг улуғ неъмат дейилган.

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Барча мунаввар зиёли зотлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бу фикрни билиттифоқ эътироф этадилар.

Исломда гўзал хулқли инсон улуғланган ва жамият тараққиёти учун фақат ахлоқ асос бўлиши таъкидлаб айтилган. Муҳаммад алайҳиссалом бир куни набираларини тиззасига ўтқазиб, эркалаб пешонасидан ўпдилар. Бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, сиз Оллоҳнинг элчиси бўлсангиз, болаларни тиззангизга ўтқазиш яхшими? — деб сўради ва: — Менинг бирон фарзандим яқин кела олмайди», деди. Расулуллоҳ: «Сенинг дилингдан Оллоҳ ўз раҳматини суғуриб олибди», дедилар. Яна бир ҳадисда эса Расули акрам ёнбошлаб ётсалар, икки кабутар учиб келиб, тепаларида айланди. Шунда ул зот саҳобаларидан: «Буларнинг жўжасини қайси бирингиз олдингиз?» — деб сўради. Саҳобалардан бири: «Болам ўйнасин деб олувдим», — деди. Расули акрам: «Олиб бориб жойига қўйинг, онаси арз қилаяпти», дедилар. Ҳайвонот оламига мўмин-мусулмон тажовуз қилиши гуноҳдир. Қаранг, бу ҳикоятда борлиқ мавжудот ўзаро тенг муносабатда талқин этилган.

Бунинг маъноси шуки, одам ота-онаси ёки фарзандига қандай меҳр-оқибатли, шафқатли ва мурувватли бўлса, табиатга, ҳар бир жонзотга шундай жондош муносабатда бўлмоғи лозим.

Энди тинчлик масаласига келсак, у чиндан ҳам бебаҳо неъмат. Тинчлик бўлгани учун Ватанимиз тараққий топмоқда, ҳаётимиз гуллаб-яшнамоқда. Қаранг, дунёнинг аксар мамлакатларида нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бундан кимга фойда, кимга зиён?!

Вайронкорлик эмас, балки бунёдкорлик асл инсонга хос фазилатдир.

Бу ҳақиқат ободлик кўнгилдан бошланишини билдиради. Кимнинг кўнгли обод бўлса, уйи обод бўлади! Уйи обод бўлган элнинг юрти обод бўлади!

Суҳбатдош: Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИДА

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 10-оилавий поликлиниканинг 5-бўлими жамоаси тегишли ҳудуд аҳолиси тиббий савиясини оширишга алоҳида аҳамият қаратган. Мўъжаз тиббий маскан 1997 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирда 31 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, поликлиника энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Биз асосан ҳудудимизда жойлашган еттита маҳалла аҳли билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Айниқса «Оила тиббий саводхонлигини ошириш», «Оналар ва болалар саломатлиги», «Соғлом ёшлар — келажак пойдевори», «Ногиронларни соғломлаштириш» ҳамда юқумли касалликлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш каби мавзулардаги тавсияларимиз яхши натижалар бермоқда, — дейди бўлим мудири, олий тоифали шифокор Азиза Эргашева.

Бугунги кунда ушбу бўлимда хизмат қилаётган 12 нафар врач, 22 нафар тажрибали ҳамширадан аҳоли мамнун.

Умида МАНСУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: бўлим иш фаолиятидан лавҳалар.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ, олган суратлар

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

«ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ»

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Бастакорлар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Туркистон» саройи билан ҳамкорликда «Наврўз» умумхалқ байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган эстрада хонандаларининг

«ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ» республика кўрик-танловини эълон қилади.

Кўрик-танловнинг мақсади:

Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш орқали ёш авлод онг-шуурида она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳи чуқур илдиз отишини таъминлаш, саҳна санъати орқали ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, бирдамлик, тотувлик ва бошқа умуминсоний қадриятларни тараннум этиш, «Наврўз» умумхалқ байрами билан боғлиқ қадимий урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни мадҳ этувчи ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган қўшиқларнинг яратилишига эришиш, шунингдек, халқимиз орасида янги истеъдодларни кашф этиш танловнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Кўрик-танловда 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган профессионал санъаткорлар, ҳаваскор эстрада хонандалари, алоҳида жамоалар, Олий ва ўрта-махсус санъат ўқув юртларининг талабалари ва жамоалари, эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шоирлар иштирок этишлари мумкин.

2008 йилнинг декабрь ва 2009 йилнинг январь ойларида бўладиган мазкур кўрик-танлов уч босқичда ташкил этилади:

— биринчи босқич 2008 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг туман ва шаҳарларида;

— иккинчи босқич 2009 йил январь ойининг иккинчи ўн кунлигида вилоят марказларида;

— якуний босқич 2009 йил 24 январда Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтади. Танловнинг барча босқичларида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ва ҳакамлар ҳайъати иш олиб боради.

КЎРИК-ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ҲАР БИР ХОНАНДА ИККИТАДАН ҚЎШИҚ ИЖРО ЭТАДИ:

— биринчи қўшиқ «Наврўз» байрамига ёки Тошкент шаҳрининг юбилейига бағишланган бўлиши лозим;

— миллий эстрада йўналишидаги иккинчи янги қўшиқни хонанданинг ўзи танлайди.

Ижрочи асарни вокал-чолғу ансамбли жўрлигида ёки мусиқий фонограмма «мини диск» ёрдамида жонли овозда ижро этади.

Қатнашчиларнинг дастури, ижро маҳорати, танланган мавзуларнинг кўрик-танлов низомида кўзда тутилган мақсадларга мослиги, овоз ва созларнинг уйғунлиги, ижро этилаётган асарга танланган саҳна либослари ҳамда саҳна маданияти 10 балли тизимда баҳоланади.

Кўрик-танлов ғолиблари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг I, II, III даражали дипломлари, фахрий ёрлиқлар ҳамда совринлар, тегишли ташкилот ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Жумладан:

— 1 та биринчи даражали диплом ва 1000000 сўм пул мукофоти;

— 2 та иккинчи даражали диплом ва 750 000 сўмдан пул мукофоти;

— 2 та учинчи даражали диплом ва 500 000 сўмдан пул мукофоти;

— 3 та рағбатлантирувчи диплом ва бир йилга имтиёзли лицензия.

Кўрик-танловда ғолиб деб топилган қўшиқларнинг ижрочилари мамлакатимиз санъаткорларининг хорижий мамлакатларда ўтадиган гастроль сафарларига таклиф этилади, энг яхши қўшиқлар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг телевидение орқали намойиш этиладиган «Йилнинг энг яхши қўшиқлари» дастурига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичи ғолибларининг рўйхати ва уларнинг тўлиқ концерт дастури ҳамда ижро этиладиган қўшиқларнинг матнлари, муаллифлар ва бастакорлар ҳақидаги маълумотлар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ташкилий қўмитасига 2009 йилнинг 15 январигача тақдим этилиши керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй, «Туркистон» саройи. Телефонлар: 235-52-80; 235-89-93.

✓ Янги тўплам

«ЁШЛАР КИТОБИ»

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий рағбатлантириш мақсадида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Ёшлар китоби»ни чоп этди.

Мазкур асардан иқтидорли ёшларнинг миллий ва жаҳон адабиёти услубларини уйғунлаштирган шеърлари, насрий асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналарининг япон, инглиз, турк, ҳинд, рус тилларидан қилинган таржималари, чуқур таҳлилга бой адабий тадқиқотлари ўрин олган.

Китобатчиликнинг замонавий андозалари асосида тайёрланган «Ёшлар китоби» ўтаётган йилда ёш ижодкорларимизга ажойиб туҳфа бўлди. Ишонамизки, навқирон авлодга кўрсатилган бу эътибор уларни янги ижодий марралар сари руҳлантиради.

Ҳолат

ҲУЖЖАТЛАР «ИСИТМА»НИ ОШКОР ҚИЛДИ

Қиғир ишни яширган билан «иситмаси» ошкор қилади. Зангиота туманида жойлашган «OLIMPIK — SINTEZ» қўшма корхонасида 2007 ва 2008 йиллар давомида амалга оширган импорт операциялари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари ўрганиб, таҳлил қилинганида қатор қонунбузилиш ҳолатлари ошкор бўлди.

Маълум бўлишича, 2007 йилнинг октябрь-декабрь ойларида шартномаларга асосан катта миқдорда турли хилдаги маҳсулот импорт қилинган. Бироқ жамият томонидан статистика бошқармасига топширилган маълумотда бу маҳсулотларнинг кирим нархи 711587,8 минг сўм деб кўрсатилган. Товар айланмасининг ҳисоботда камайтириб кўрсатилиши натижасида давлат бюджетига анча миқдорда ягона солиқ тўланмаган.

Корхонага ўтган йили божхона юк декларациялари билан катта қийматда автомобиль эҳтиёт қисмлари ва бошқа маҳсулот олиб келиниб, улар нақд пулга сотилиб, пул маблағлари банкка топширилмаган. Оқибатда тўланиши лозим бўлган тушум қасддан яширилган.

Қисқаси, ҳужжатлар мазкур корхонадаги «иситма»ни ошкор қилди.

Искандар НАИМОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

Тошкент шаҳар турар-жойларни хусусийлаштириш маркази томонидан 2007 йилнинг 17 октябрида Ж.А.Ваҳобова номига берилган 12942 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

✓ Спорт

МДҲ КУБОГИ: «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ

Ҳар йили январь ойида Москвада футбол бўйича анъанавий МДҲ кубоги халқаро турнири ўтказилади. Унда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Турнир низомига кўра, 2008 йилги мавсумда илк маротаба Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари баҳсларда иштирок этиши кўзда тутилган эди. Бироқ бунёдкорчилар айнан 2009 йилнинг январида Рио-де-Жанейро (Бразилия)да ўқув-машғулот йиғинларида бўлишлари муносабати билан Ўзбекистон футбол федерацияси МДҲ кубоги турнирига Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини жўнатишни лозим топди. Хабарингиз бор, пахтакорчилар 2007 йили мазкур мусобақа бош совринига сазовор бўлишган. Ўтган йили эса, турнир финалида Озарбойжоннинг «Хазар» (Ленкоран) футболчиларига имкониятни бой беришганди.

Шунингдек, мусобақада Финляндиянинг «Интер» (Турку) футболчилари ҳам қатнашади. Улар мусобақада охирги йилларда мунтазам қатнашиб келаётган Сербиянинг ОФК жамоаси ўрнини эгаллайди.

Куни кеча ўн еттинчи маротаба ўтказилаётган турнирга қуръа ташланди. Унга кўра юртдошларимиз «А» гуруҳида «Рубин» (Қозон, Россия), «Арарат» (Ереван, Арманистон) ҳамда «Актобе» (Актобе, Қозоғистон) футболчилари билан куч синашади. Вакилларимиз илк учрашувни 17 январь куни Россия чемпиони «Рубин» жамоасига қарши ўтказишади. 18 январь куни эса пахтакорчилар Арманистоннинг «Арарат» (Ереван) футболчилари билан куч синашса, орадан икки кун ўтиб, «Актобе» (Қозоғистон) жамоасига қарши майдонга тушадилар.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

курашчиларимиз олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар

Эрон пойтахти Техронда кураш бўйича VI Осиё чемпионати ўтказилди. Қитъамизнинг йигирмага яқин давлати вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муносиб қатнашдилар.

Беш (66, 73, 81, 90 ва +90 кг.) вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда тўрт нафар курашчимиз гиламга чиққанди. Улардан Ҳамроқул Примқулов (81) олтин, Нодир Қобилов (+90) кумуш ҳамда Нурбек Арашов (66) бронза медалларини қўлга киритишди.

(Газетанинг навбатдаги сони 16 декабрь, сешанба куни чиқади).

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 00.15
Topshirilgan vaqti — 00.20
8

Sotuvda erkin narxda